

Эгамов Х

*Профессор, ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг
етакчи илмий ходими.*

Қосимов Б.

*қ.х.ф.ф.д. ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг
лаборатория мудири*

Қосимов А.

*қ.х.ф.д. ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясининг
лаборатория мудири.*

Бустонова С

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг
катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада, “СП-207” ғўза навини биологик ва моффологик хусусиятлари келтирилган. Шунингдек, навадан юқори ва эртаки ҳосил олиш агротехнологияси тавсия этилган. Шунингдек, навини экишдан олинадиган иқтисодий самарадорлиги баён этилган. Навини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясининг 4 гектарлик майдонида 2 гектар ерига Андижон-35 нави (андоза), 2 гектар майдонига СП-207 ғўза нави экилганлиги уларга бир хил агротехника қўлланилиб, навларни ҳосилини 3 мартаба териш ишлари ўтказилиб, навларнинг ҳосилдорлиги аниқланган. Натижада Андижон-35 ғўза навидан 36,8 ц/га, СП-207 навидан 40,8 ц/га ҳосил олинди, андоза нав Андижон-35 дан СП-207 нави 4,0 ц/га ошиқча ҳосил бергани кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, қўшимча олинган 400 кг пахтани хар бир килограми 6800 сўмдан сотилса 2720000 сўмни ташкил қилиши келтирилган.

Аннотация: В статье представлены биологические и морфологические характеристики сорта "СП-207". Также рекомендована агротехника получения высокого урожая с этого сорта. Также описана экономическая эффективность, получаемая при посеве этого сорта. Чтобы определить экономическую эффективность сорта, при посеве сорта Андижан-35 (стандарт) на 2 гектарах земли на 4 гектарах Андижанской научно-опытной станции НИИССИАВХ на 2 гектарах земли был применен сорт хлопчатника СП-207 с той же агротехникой и в 3 раза был проведен сбор урожая этих сортов и результат составил 36,8 ц/га у сорта хлопчатника Андижан-35, 40,8 ц/га у сорта хлопчатника СП-207, сорт хлопчатника СП-207 дал прибавка 4,0 ц/га. Из этого видно, что дополнительные 400 кг полученного хлопка обойдутся в 2720 000 сум, если один килограмм будет продаваться по цене от 6800 сум.

Abstract: In the article presents the biological and morphological characteristics of the cotton variety "SP-207" given. This variety is high yield agrotechnics of obtaining is also recommended will be done. The economic benefits of planting this variety are also described. To determine the economic efficiency of the variety, when sowing the Andijan-35 (standart) variety on 2 hectares of land on 4 hectares of the Andijan Research and Experimental station SRIBSGACG _on 2 hectares of land, the cotton variety SP-207 with the same agrotechnics was used and harvesting of these varieties was carried out 3 times and the result was 36.8 c/ha in the Andijan cotton variety-35, 40.8 c/ha in the cotton SP-207 variety, the cotton SP-207 variety gave an increase of 4.0 c/ha. From this it can be seen that if the additional 400 kg of cotton is sold at 6,800 soums per kilogram, it will amount to 2,720,000 soums.

Калим сўзлар: самарадорлик, ҳосилдорлик, пахта, тола узунлиги, микронейр, кониссимон, дурагайлаш, метрик рақами.

Ключевые слова: эффективность, урожайность, хлопок, длина волокна, микронейр, конический, гибридизация, метрическое число.

Keywords: efficiency, yield, cotton, fiber length, micronaire, conical, hybridization, metric number.

Ғўза навларини наводорлигини ошириш ҳамда юқори авлод уруғларини кўпайтириш орқали ишлаб чиқаришда экиш, майдонини кенгайтириш

бугунги кунда долзарб вазифалардан саналади [1, 326-328 б].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, чигит сифати ўсимликнинг қайси қисмида жойлашиши билан бирга оналик ўсимликни қандай шароитда ўсиб ривожланганлигига ҳам боғлиқ [2, 55-57-с].

СП-207 нави узоқ йиллар селекция жараёнида яратилди. Навни хўжаликка фойдали белгиларининг маълумотларини уч йиллигини ўртачаси аниқланди. Уларни аниқлашда услубий кўрсатмалардан фойдаланилди. Ҳосилдорлигини аниқлашда Доспеховнинг “Методика полевого опыта”, (1985 й) услубий китобидан фойдаланилди.

Нав селекциячилар А. Қосимов Х. Эгамов ва бошқалар томонидан 478 Т х Андижон-13 навларини ўзаро чатиштириб, кўп марта танлаш йўли билан яратилган. СП-207 навининг тупи конуссимон шаклда, ихчам, бўйи 105-110 сантиметр. Пояси мустахам, ётиб қолмайди, кучсиз тукланган. Шохланиши 1.0-1.5 типга мансуб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар гурухига киради, амал даври 118-120 кун. Барглари ўртача катталиқда, 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, кучсиз тукланган. Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сариқ рангда. Кўсаклари ўртача катталиқда, овалсимон, 4-5 чанокли. Бир дона кўсакдаги пахта вазни 5,8-6,1 грамм. Чигити тукли, кулранг. Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли, узунлиги 33,2-34,3 миллиметр, тола чиқиши 37-38 фоиз, пишиқлиги 4,6-4,8 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,6 грамм куч/текс, метрик рақами 5800-5900, микронейри 4,5-4,6, IV-саноат типига мансуб.

Навни муайян майдон тупроқ шароитига, ернинг нишоблиги, рельефига қараб 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Чигит экиш чуқурлиги бошқа навлардан фарқ қилмайди. Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда экилган бу навни чигити тез кунда, қийғос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди. Чигитни униб чиқиши

учун тупроқ намлиги етарли бўлмаган далаларда чигит суви бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади. Чигити текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача 1-2 чинбарг ҳосил қилганда яганалаш ўтказилади. Ҳар бир уяда 1 донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш мақбул бўлади.

Изланишлар натижалари бўйича, мазкур нав учун муайян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қалинлиги қолдирилади. Хусусан, тупроқ унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 90-100 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаларда 110-минг туп, тупроқ унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли далалар шароитида 120 минг туп кўчат қалинлиги тавсия этилади.

“СП-207” ғўза навини амал даврида биринчи марта суғориш тупроқ шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб, сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаниш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқ шароитида эса (захкаш ерларда) ёппасига шоналаниш даврида ўтказилади. Кейинги амал сувлари ўсимлик ҳолатига қараб, сувга талаб сезилганда ўтказилади. Навни маъдан ўғитлар билан озиқлантиришнинг йиллик меъёри: азот билан 250 кг/га, фосфор билан 175 кг/га, калий билан 125 кг/га, нисбати эса 1:07:05 бўлиши лозим. СП-207 навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 90-100 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 13-14 ҳосил шохи, 110 минг туп бўлганда 12-13 ҳосил шохи, 120 минг туп бўлганда эса 12 ҳосил шохи пайдо бўлганда амалга ошириш тавсия этилади.

Ғўзанинг СП-207 нави юқори агротехникавий савияда, ушбу илмий тавсияларга риоя қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар ҳисобига 38-43 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш имконияти яратилади.

Навнинг сара уруғи ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида кўпайтирилмоқда.

“СП-207” ғўза нави 2024 йилда Андижон вилоятининг айрим туманларида 60 гектар майдонга экилди. Навни иқтисодий

самарадорлигини аниқлаш учун ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станциясининг 4 гектарлик майдонида 2 гектар ерига Андижон-35 нави (андоза), 2 гектар майдонида “СП-207” ғўза нави экилди. Уларга бир хил агротехника қўлланилди. Навларни ҳосилини 3 мартаба териш ишлари ўтказилиб, навларнинг ҳосилдорлиги аниқланди. Натижада Андижон-35 ғўза навидан 36.8 ц/га, “СП-207” навидан 40,8 ц/га ҳосил олинди. Демак андоза нав Андижон-35 дан “СП-207” нави 4,0ц/га ошиқча ҳосил берди. Бундан кўришиб турибдики, қўшимча олинган 400 кг пахтани ҳар бир килограми 6800 сўмдан сотилса 2720000 сўмни ташкил қилади.

Хуллас, “СП-207” навини эккан фермер хўжаликлари ҳар гектаридан 2720000 сўм қўшимча иқтисодий самарадорликка эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ахмедов Ж., Уралов С., Нуриддинов А., Нурмаматов А., Уралов Ж. Янги яратилаётган ғўза навларини тола сифатини ошириш. Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани., 2013, 326-328 б.
2. Эгамов Х., Мирхомидова Г., Хасанов У.Н. Качества волокна и протуктивность ного сорта СП-204 при загушении. Интернфтионал сситнtifис лоурнал №4(50), 2018(Марч) Волгоград 2018 55-57-с.
3. “Республикамизда доривор ўсимликлар етиштиришни жадаллаштириш” мавзусида ўтказиладиган Республика илмий – амалий конференция иштирокчиси тўғрисида